

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/30.12.2019.Т.06.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

ТОШЕВ ОЙБЕК ЭЛМУРОДОВИЧ

**ТОҒ ЖИНСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИНИ
ОЛДИНДАН КАМАЙТИРИБ УЛАРНИ ПОРТЛАТИБ
МАЙДАЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш)

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contend of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
of technical sciences**

Тошев Ойбек Элмуродович

Тоғ жинсларини мустахкамлик характеристикасини олдиндан камайтириб
уларни портлатиб майдалаш самарадорлигини ошириш.....3

Тошев Ойбек Элмуродович

Повышение эффективности взрывного рыхления горных пород с
предварительным снижением их прочностных характеристик.....21

Toshev Oybek Elmurodovich

Improv ing the efficiency of explosive loosening(destruction) of rocks with
preliminary decrease in their strength characteristics.....37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works. 41

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/30.12.2019.Т.06.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

ТОШЕВ ОЙБЕК ЭЛМУРОДОВИЧ

**ТОҒ ЖИНСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИНИ
ОЛДИНДАН КАМАЙТИРИБ УЛАРНИ ПОРТЛАТИБ
МАЙДАЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш)

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/T987 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенашнинг веб-саҳифасида (www.ndki.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Норов Юнус Джумаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Умаров Фарходбек Яркулович
техника фанлари доктори, доцент

Махмудов Дилмурод Раҳматжонович
техника бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

«Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ

Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилик институти ҳузуридаги DSc.17/30.12.2019.T.06.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 25 август соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шох кўчаси, 127. Навоий давлат кончилик институти мажлислар зали. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com.

Диссертация билан Навоий давлат кончилик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (8 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шох кўчаси, 127. НДКИ ректорати биноси, 1-қават Тел.: 0(436)223-56-90; факс: 0(436) 223-00-55.

Диссертация автореферати 2020 йил 12 август куни тарқатилган.

(2020 йил 12 августдаги 19 рақамли реестр баённомаси)




 **К.С. Санакулов**

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

 **Ш.Ш. Заиров**

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

 **И.Т. Мислибаев**

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тоғ жинслари хусусиятлари ва ҳолатини бошқариш дунёда тоғ жинсларини парчалаш жараёнини такомиллаштиришнинг энг истиқболли йўналишларидан ҳисобланади. Кўп даврли (цикли) портлатиш юкламалари натижасида кон массиви мустаҳкамлигининг кучсизланиш зоналари юзага келади. Тоғ жинслари мустаҳкамлигини кучсизлантириш ҳозирги вақтгача поғоналар барқарорлигини, кон массаси майдаланиши сифатини, бурғилаш дастгоҳлари унумдорлигини пасайтирувчи ва зарядланадиган қудуқлар ҳажмини оширувчи зарарли ҳодиса сифатида кўриб чиқилган.

Дунёда тоғ жинсларининг майдаланувчанлигини ошириш ва уларни бойитишда технологик хусусиятларни яхшилаш мақсадида уларнинг мустаҳкамлигини кучсизлантиришга доир тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ижо бий самарага эришиш учун портловчи моддалар (ПМ) солиштира сарфини кўпайтириш йўли билан портлатиладиган массивнинг энергияга тўйиниши маълум даражада оширилади. Тоғ жинслари массивининг хусусиятлари ва ҳолатини бошқариш учун таъсири (ҳаракати) жинсларнинг юзадаги энергиясини сорбцияли пасайтиришга асосланган сирт-фаол моддаларни (СФМ) қўллаш зарурати пайдо бўлди.

Республикамызда карьерларда портлатиш технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, портлатишнинг мақбул ўлчамларидан фойдаланиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш, ёппасига портлатишларда ПМ энергиясининг фойдали иш коэффициентини ошириш усуллари ишлаб чиқиш, кон массасини парчалаш жараёнини ўрганиш, бурғилаб портлатиш ишларини (БПИ) олиб бориш самарадорлигига кон-технологик хусусиятлар таъсирини тадқиқ қилиш, даврий (цикли) юкламалар таъсири остида тоғ жинслари мустаҳкамлигининг кучсизланиши самарасини тадқиқ қилиш бўйича илғор илмий асосланган чора-тадбирлари жорий қилиниб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорида¹ «илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, энерго ва ресурсларни тежовчи технологияларни ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ этиш...» бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда тоғ жинслари массиви мустаҳкамлигини кучсизлантириш зонасидан фойдаланиш билан БПИни олиб боришнинг ресурсларни тежовчи технологиясини ишлаб чиқиш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги ПФ-4947-сон, 2015 йил 4 мартдаги «Ишлаб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17 январь 2019 йилдаги ПҚ-4124 –сонли «Кон-металлургия соҳаси корхоналари фаолиятини келгусида такомиллаштириш чоралари ҳақида»ги Қарори

чиқаришни структуравий қайта тузиш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш бўйича 2015-2019 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури» тўғрисидаги ПФ-4707-сон ва 2019 йил 17 январдаги «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4124-сон Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мельников Н.В., Ржевский В.В., Шемякин Е.И., Александров В.Е., Баранов Е.Г., Барон Л.И., Боровиков В.А., Винницкий К.Е., Власов О.Е., Вовк А.А., Демидюк Г.П., Друкованый М.Ф., Ефремов Э.И., Кусов Н.Ф., Кутузов Б.Н., Кучерявый Ф.И., Кузнецов Г.В., Комир В.М., Марченко Л.Н., Миндели Э.О., Миронов П.С., Покровский Г.И., Рахимов В.Р., Родионов В.Н., Суханов А.Ф., Тарасенко В.П., Турута Н.У., Ханукаев А.Н., Шеметов П.А., Atchison T.C., Ahmed R., Bernard T., Brawner C.O., Donzé F.V., Duvall W.I., Maerz N.H., Munjiza A., Pears O.E., Peter B., Potyondy D.O., Rolf S. Paine, Rossmanith H.P., Rustan A., Selberg H.L. ва бошқалар тоғ жинсларини портлатиш билан парчалаш ва деформациялаш назариясини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлар.

Даврий (цикли) юкламалар таъсири остида тоғ жинслари мустаҳкамлигини кучсизлантириш самараси маълумдир. Бу ходиса механикада тоғ жинсларининг толиқиши дейилади. Барон Л.И., Миндели Э.О., Мирзаев Г.Г., Можаяев Л.В., Протождяконов М.М., Мохначев М.П., Шрейнер Л.А., Присташ В.В. ва бошқалар уни ўрганишга катта ҳисса қўшганлар. Тоғ жинсларининг толиқиши, асосан, даврий (цикли) юкланишнинг турли тартибида лаборатория шароитида намуналарда тадқиқ қилинган.

Латышев О.Г., Овчаренко Ф.Д., Осипов И.С., Сынбулатов В.В. ва бошқалар ишларида тоғ жинслари хусусиятлари ва ҳолатини портлатиш билан ва СФМ эритмалар билан йўналтирилган ўзгартириш шароитларида кон массивини парчалашнинг қонуниятлари тадқиқ қилинди. Самарадорликни олдиндан аниқлаш учун тоғ зарбаларининг олдини олиш воситаси сифатида СФМ эритмадан фойдаланилди.

Воронков Г.Я., Кусов Н.Ф., Марцинкевич Г.И., Шоболова Л.П., Эдельштен О.А. ва бошқалар ишларида СФМ эритмалари таъсири остида кўмир формациясини сақловчи жинслар мустаҳкамлик хусусиятларини ўзгариши тадқиқ қилинди, таркиби бўйича ҳар хил бўлган СФМ эритмаларининг тоғ жинслари массиви ҳолатига таъсири даражаси баҳоланди. Лекин СФМ эритмалари таркибининг танлаш бўйича ва уларнинг тоғ жинслари массиви мустаҳкамлигини кучсизлантиришга таъсирини ўрганиш бўйича

ишлаб чиқилган услубий кўрсатмалар фақат қазиб олиш комбайнлари ишига қўлланилади.

Юртимиз ва хорижнинг илмий адабиётларида СФМ эритмасидан фойдаланиш билан ПМ қудуқли зарядларни портлатишда массив кучсизланиши зоналари ўлчамларини, СФМ эритмаси ва саноат ПМ солиштирма сарфларининг ўзаро нисбатига боғлиқ ҳолда, тоғ жинслари мустаҳкамлиги кучсизланиши зонасининг радиусини тадқиқ қилиш мавжуд эмас. Шу сабабли тоғ жинслари мустаҳкамлиги кучсизланиши зонасида СФМ эритмасидан фойдаланиш билан портлатиш ишларини олиб бориш усулини ишлаб чиқиш ҳозирги вақтда муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилиқ институти илмий тадқиқот ишлари режасининг «Очиқ кон ишларида портлатиш самарадорлигини ошириш учун физик-кимёвий таъсирлар билан ҳосил қилинадиган массив кучсизланишидан фойдаланиб портлатишнинг янги усулларини асослаш ва ишлаб чиқиш» (2007-2009 йй.) ва «Сирт-фаол моддалар эритмасидан фойдаланиб портловчи моддаларнинг қудуқли зарядларини портлатиш билан тоғ жинслари мустаҳкамлигини кучсизлантириш усулини ишлаб чиқиш» (2010-2012 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади парчаланиш даражасини ошириш ва техник-иктисодий самарадорликни кўтариш учун кон массиви мустаҳкамлигининг кучсизлантириш зонасида СФМ эритмасидан фойдаланиш орқали БПИ олиб бориш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

СФМ эритмаларидан фойдаланиб портлатиш билан кон массиви хусусиятларини ва ҳолатини йўналтириб ўзгартириш шароитларида массивни парчалош усулларини таҳлил қилиш;

СФМ эритмадан фойдаланиб цилиндрли зарядни портлатиш билан тошли тоғ жинсларини парчалош механизмини назарий тадқиқ қилиш;

лаборатория шароитларида тоғ жинсларини СФМ эритмасининг ҳар хил турлари билан тўйинтириш ёрдамида жинслар мустаҳкамлигининг кучсизланишини тадқиқ қилиш;

саноат шароитларида СФМ эритмасидан фойдаланиб қудуқли зарядларни портлатиш билан кон массиви мустаҳкамлигининг кучсизланиш зонаси радиусини аниқлаш;

массив мустаҳкамлигининг кучсизланиш зонасида СФМ эритмасидан фойдаланиб БПИ усуллари ва ўлчамларини ишлаб чиқиш ва синаб кўриш;

массив мустаҳкамлигининг кучсизланиш зонасида СФМ эритмасидан фойдаланиб БПИнинг ишлаб чиқилган усуллари ва ўлчамларининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида карьерлардаги қаттиқ тоғ жинслари белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети тоғ жинсларини СФМ эритмалари билан олдиндан тўйинтириш билан кўп мартали динамик юкланишларда уларнинг мустаҳкамлигини кучсизлантириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида тоғ жинсларини СФМ эритмалари билан олдиндан тўйинтириб кўп мартали портловчи юкланишлар таъсири остида уларнинг мустаҳкамлигини кучсизлантиришни тадқиқ қилиш, саноат шароитларида кон массиви мустаҳкамлигининг кучсизланиш зонаси радиусини аниқлаш бўйича лаборатория ва полигон шароитлардаги илмий умумлаштиришларни, назарий ва амалий тадқиқотларни ўз ичига олган комплекс усуллар, Borland Delphi 7.0 тилдаги математик дастурлаш усуллари, шунингдек, замонавий компьютер техникасидан фойдаланиш билан математик статистика ва синовлар натижаларини таққослаш (ўзаро боғлиқлик) таҳлили усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

СФМ эритмасининг ҳар хил турларини қўллаш билан ПМ цилиндрли зарядини портлатишда зарбли тўлқин ва кучланиш тўлқини, шунингдек, поғона эркин юзаси кучланишининг қайтган тўлқинлари таъсири остида кон массиви чуқурлигида кучсизланиш зонаси, унинг радиуси СФМ эритмаси ва саноат ПМ солиштирма сарфларининг ўзаро нисбатига, бир вақтда портлайдиган зарядлар сонига, уларнинг диаметрига, Пуассон коэффициентига, портлаш шароитига, тоғ жинсларининг акустик қаттиқлигига ва портловчанлик бўйича жинслар тоифасига боғлиқлик аниқланган;

СФМ ҳар хил турларини ва эритма концентрацияси аниқланган ва тоғ жинслари мустаҳкамлигини кучсизлантириш учун энг самарали ва иқтисодий мақбул СФМ ишлаб чиқилган;

портлатилган кон массасининг ўртача ўлчами ва СФМ эритмаси билан бир вақтда портлатиладиган қудуқли зарядларнинг критик миқдори аниқланган;

саноат шароитларида СФМ эритмаси билан ПМ қудуқли зарядларини портлатиб ҳосил қилинадиган тоғ жинслари массиви мустаҳкамлигининг кучсизлантириш зонаси радиусини аниқлашнинг комплекс усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

массив чуқурлигида тоғ жинслари массиви мустаҳкамлигининг кучсизлантириш зонаси ҳисобига портлатиш ишлари самарадорлиги ошишини, ПМ солиштирма сарфи ва бурғилаш харажатларининг камайишини таъминловчи оралиқли СФМ эритмасидан иборат ПМ қудуқли заряди конструкцияси ишлаб чиқилган;

СФМ эритмаси ҳамда ПМ қудуқли зарядлари билан массив кучсизланиш зонасида портлатиш ишларини олиб бориш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти СФМ эритмаси билан ПМ қудуқли зарядларни портлатиб тоғ жинслари мустаҳкамлигини кучсизлантиришнинг илмий асослари ва тоғ жинслари массиви

мустаҳкамлигининг кучсизлантириш зонаси радиусини аниқлашнинг комплекс усулини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти СФМ эритмасидан иборат ПМ қудуқли заряд конструкцияси ва СФМ эритмаси ҳамда ПМ қудуқли зарядлари билан массив кучсизланиш зонасида портлатиш ишларини олиб бориш усуллари ёрдамида портлатиш ишлари самарадорлигини ошириш билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тоғ жинсларининг мустаҳкамлик хусусиятларини олдиндан камайтириш билан уларнинг портлатиб парчалаш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

СФМ эритмаси билан қудуқли зарядларни портлатиб ҳосил қилинадиган тоғ жинслари массиви мустаҳкамлигининг кучсизлантириш зонаси радиусини аниқлашнинг комплекс усули «Гранит» АЖ карьерида жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2019 йил 13 декабрдаги 02/6763-19-сон маълумотномаси). Натижада СФМ эритмалари билан олдиндан тўйинтириш ёрдамида кўп мартали портлатиш юкланишлари таъсири остида тоғ жинслари мустаҳкамлигини кучсизлантириш имконини берган;

СФМ эритмасидан ораликли ПМ қудуқли зарядининг тузилмаси «Гранит» АЖ карьерида жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2019 йил 13 декабрдаги 02/6763-19-сон маълумотномаси). Натижада тоғ жинслари массивини портлатиб парчалаш самарадорлиги ошириш, ёндош жинслар мустаҳкамлик хусусиятларини, ПМ солиштира сарфи ва бурғилаш харажатларини камайтириш имконини берган;

СФМ эритмаси ёрдамида қудуқли зарядлар билан массив кучсизланиши зонасида портлатиш ишларини олиб боришнинг усули «Гранит» АЖ карьерида жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2019 йил 13 декабрдаги 02/6763-19-сон маълумотномаси). Натижада қудуқлар қатори ўртасидаги ва қудуқлар ўртасидаги масофани 20% га ошириш, ПМ солиштира сарфи ва бурғилаш харажатларини 10–15% га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шундан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Сирт-фаол моддалар эритмаси билан тоғ жинслари хоссаларини йўналишли ўзгартириш шароитида уларни парчалаш усулларини таҳлил қилиш» деб номланган биринчи бобида қаттиқ тоғ жинслари мустаҳкамлигини кучсизлантириш усуллари таснифи келтирилган, кўп даврли (цикли) юкланишларда тоғ жинслари массивини парчалаш бўйича, ёппасига портлатишларни амалга оширишда тоғ жинслари хоссаларини йўналишли ўзгартириш йўли билан уларни парчалаш бўйича ва портлашларни амалга оширишда массив кучсизланиши ўлчамларини аниқлашнинг замонавий усуллари бўйича тадқиқотлар таҳлили ўтказилди.

Тадқиқотлар таҳлили шуни аниқлаш имконини бердики, портлаш таъсири остида тоғ жинсларини парчалашнинг амалдаги усулларини такомиллаштириш ва янги усулларини ишлаб чиқиш даврий (цикли) юкланиш шароитларида тоғ жинсларининг мустаҳкамлик хусусиятларини ўрганиш лозимлигини келтириб чиқаради.

Кўп сонли тажрибавий ишларга қарамасдан, пульсланувчи юкланишларда тоғ жинсларининг толиққанлик парчалашининг умумий қонуниятлари ҳозиргача аниқланмаган, аслий (табiiй) тажрибалар услуби ва техникаси мавжуд эмас, синовлар лаборатория тадқиқотлари доирасидан чиққан эмас.

Тадқиқотнинг **«Қояли тоғ жинсларини портлатиб парчалаш механизмининг назарий тадқиқотлари»** деб номланган иккинчи бобида чегарасиз муҳитда ва холи бўлган юза яқинида кон массивини парчалаш, ПМ қудуқли зарядларини портлатиб тошли тоғ жинслари массивини парчалаш, кон массиви чуқурлигида қудуқли зарядни портлатиб тоғ жинсларини парчалаш механизми ва ёппасига портлатишларда СФМ эритмаси ва саноат ПМ солиштирма сарфлари ўзаро нисбатлари ўзгариши тадқиқ қилинган.

Қояли тоғ жинсларида ПМ цилиндрли заряди портлаши таъсирининг (ҳаракатининг) газодинамика қонунларини ўрганиш асосида массив чуқурлигида тоғ жинслари мустаҳкамлигининг кучсизланишини тавсифловчи математик модель ишлаб чиқилди.

Шу нарса аниқландики, қояли тоғ жинсларининг асосий парчаланиши ПМ заряди портлаши муҳитида юзага келадиган ва портлашдаги газсимон маҳсулотларнинг ўзидаги кучланишлар таъсири остида содир бўлади. Бунда массивнинг кўринадиган контури (чегараси) ўзининг бошланғич ҳолатини

ўзгартирмайди. Сўнгра бўшлиқда қолган портлаш маҳсулотлари массивнинг парчаланган қисмини охиригача парчалайди ва унга қўшимча кинетик энергия узатади. Натижада майдаланган масса механик ҳаракат олади ва бўшлиқда маълум бўлган (белгиланган) охириги ҳолатни эгаллайди. Кучли зичланган жинсларда тўлқинли жараёнларнинг роли парчаланишда минимумга олиб келади ва парчаланиш муҳитга ПМ портлашининг газсимон маҳсулотлари кинетик энергияси узатилиши ҳисобига амалга оширилади.

Кон массиви чуқурлигида қудукли зарядни портлатиб тоғ жинсларини парчалош механизмини тадқиқ қилиш натижасида СФМ эритмаси ва саноат ПМ солиштирма сарфлари ўзаро нисбати ўзгаришини ҳисоблаш формуласи тузилди:

$$\frac{q_{\text{сфм}}}{q_{\text{пм}}} = \frac{\sqrt{A\rho C_p \mu}(n+60)}{3,04\sqrt{[\sigma_{\text{чўз}}] \cdot (1-\mu)(60-142,85(1-\delta_p'/\delta_p)+n)} \cdot l} \quad (1)$$

бунда, $q_{\text{сфм}}$, $q_{\text{пм}}$ – мос равишда, СФМ эритмаси ва саноатли ПМ солиштирма сарфи, кг/м³; A – портлатиш шароитига боғлиқ бўлган коэффициент; ρC_p – тоғ жинслари массивининг акустик қаттиқлиги, гс·см/см³·с; μ – Пуассон коэффициенти; n – портлатиладиган ПМ қудукли зарядлари сони, дона.; $\sigma_{\text{чўз}}$ – чўзилишга радиал кучланиш, МПа; l – кон массиви чуқурлигида заряд марказидан кўриб чиқиладиган нуқтагача масофа, м⁻¹.

«Лаборатория шароитларида СФМнинг турли хил эритмалари билан тоғ жинсларини тўйинтиришда уларнинг мустаҳкамлигини кучсизланишини тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобида комплекс усуллар ишлаб чиқилган, концентрацияларига боғлиқ ҳолда, СФМ ҳар хил турлари асосий хусусиятлари ўзгариши, концентрациянинг ва СФМ турининг тоғ жинслари масса намлигига таъсири тадқиқ қилинган, масса намлигига ва тўйиниш вақтига боғлиқ ҳолда, тоғ жинслари мустаҳкамлигини кучсизлантириш аниқланган.

Тоғ жинсларини СФМнинг турли эритмалари билан тўйинтиришда уларнинг мустаҳкамлиги ўзгариши боғлиқлигини аниқлаш учун лаборатория шароитларида геологик қудукларни бурғилашда олинган кернлар кўринишидаги намуналарнинг учта серияси тайёрланди.

Намуналарнинг биринчи серияси статистик юкланишларда тоғ жинсларининг физико-механик ва эластиклик (таранглик) хоссаларини аниқлаш учун мўлжалланди. Навоий кон металлургия комбинатининг Маржонбулоқ ва Зармитан конлари ва ГАЖДК «Ўзбекистон темир йўллари» «Гранит» АЖ карьерининг ҳар хил тоғ жинслари тадқиқ қилинди.

Турли концентрацияларда юзадаги чўзилиш, синиш кўрсаткичлари, водородли кўрсаткич ва СФМнинг: СФ-8201, ОП-10, геронол V-87 ва соапсток турларининг электр ўтказувчанлиги ўрганилди.

Намуналарнинг иккинчи серияси СФМнинг худди шу турларидан фойдаланиб, кимёвий усулда тоғ жинслари мустаҳкамлигини кучсизланишини аниқлаш учун мўлжалланди.

Қаттиқлиги бўйича ҳар хил бўлган тоғ жинсларининг бешта цилиндрли намуналари олдиндан СФМ эритмаси тўлдирилган идишга солинди. СФМ эритмаси билан тўйинтириш давомийлиги 30, 60 ва 90 дақиқани ташкил этди. Шундан сўнг тоғ жинслари намуналарининг бир ўқли чўзилишга барқарорлиги аниқланди.

Намуналарнинг учинчи серияси тоғ жинсларининг масса намлигини ва уларни СФМнинг ҳар хил турлари билан тўйинтиришдаги концентрациясини аниқлаш учун мўлжалланди. Қаттиқлиги бўйича ҳар хил бўлган тоғ жинсларининг бешта цилиндрли намуналари олдиндан СФМ эритмаси (СФ-8201, ОП-10, геронол V-87 ва соапсток) тўлдирилган идишга солинди. Тўйинтиришнинг 30, 60 ва 90 дақиқа давомийлигида СФМ концентрацияси 0,1; 0,15; 0,2; 0,25 ва 0,3% ташкил этди. Тўйинтиришдан сўнг тоғ жинслари намуналарининг бир ўқли чўзилишга барқарорлиги аниқланди.

СФМ эритмаси ҳар хил турларининг асосий хусусиятлари ўзгаришини ўрганиш асосида концентрация ўзгаришининг боғлиқлиги аниқланди ва уларнинг мақбул таркиби танланди.

СФМ эритмаси концентрацияси ва турининг гранит, оҳактош ва доломит масса намлигига таъсири тадқиқ қилинди. СФМнинг геронол V-87, ПО-10 ва соапсток турлари синовларга жалб қилинди.

Аниқланишича, эритма концентрациясининг 0,1 дан 0,3% гача ошиши билан СФМ эритмаси ҳар хил турлари учун тадқиқ қилинган тоғ жинсларида масса намлиги чизикли боғлиқлик бўйича пасайди. Бу шундай изоҳланадики, СФМ эритмасининг катта молекулалари жинслар тешикларини ва майда ёриқларини ёпади ва жинслар намунаси чуқурлигига сув молекуласи киришига тўсқинлик қилади.

СФМ эритмаси ҳар хил турлари билан тўйинтиришни ҳисобга олиб, масса намлигига боғлиқ ҳолда, гранит, оҳактош ва доломит мустаҳкамлиги кучсизланиши тадқиқ қилинди. Шу нарса аниқландики, тоғ жинсларининг СФМ эритмаси ҳар хил турлари билан тўйинтиришда жинсларнинг масса намлиги 1,2% етганда, чўзилишга барқарорлик 18 дан 34% гача камаяди. Масса намлигининг кейинчалик ошиши тоғ жинслари мустаҳкамлигининг жуда секин камайиши билан кечади.

Тоғ жинсларини СФМ турли эритмалари билан тўйинтиришнинг вақтга боғлиқ ҳолда, бир ўқли чўзилишда тоғ жинслари мустаҳкамлиги чегараси ўзгариши тадқиқ қилинди. Геронол V-87, ПО-10 ва соапсток эритмалари синовларга дуч қилинди.

Аниқланишича, тоғ жинсларини тўйинтириш вақти 30 дақиқагача ошишида СФМнинг турли эритмаларида чўзилишга жинслар мустаҳкамлиги чегараси кескин пасаяди. СФМ эритмалари билан жинсларни тўйинтириш вақтининг кейинчалик ошиши (90 дақ. ва ундан ортиқ) улар мустаҳкамлик чегарасининг секин камайиши билан кечади.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотларда шу нарса аниқландики, соапсток тоғ жинслари мустаҳкамлигини кучсизлантириш учун энг самарали ва иқтисодий мақбул эритма ҳисобланади.

Диссертациянинг «Саноат шароитларида СФМ эритмаларидан фойдаланиб қудуқли зарядларни портлатилганда тоғ массиви мустаҳкамлигининг кучсизланиш зонаси радиусини аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобида комплекс усуллар ишлаб чиқилган, ПМнинг портлатиладиган қудуқли зарядлари миқдорига боғлиқ ҳолда, массив мустаҳкамлигининг кучсизланиш зонаси радиуси тадқиқ қилинган, ПМнинг қудуқли зарядлари диаметрига боғлиқ ҳолда, массив мустаҳкамлиги кучсизланиш зонаси ўлчами тадқиқ қилинган ва СФМ эритмаси ва ПМ солиштира сарфлари ўзаро нисбати ўзгаришига боғлиқ ҳолда, портлатилган тоғ жинслари ўлчами тадқиқ қилинган.

Навоий кон-металлургия комбинати Жанубий Кон Бошқармасининг Маржонбулоқ ва Зармитан конларидаги ўртача, қийин ва ўта қийин портлатиладиган жинсларида саноат шароитларида СФМ эритмаси билан ПМ қудуқли зарядларини портлатишда массив мустаҳкамлигининг кучсизланиш зонаси радиуси аниқланди.

Тажрибавий портлатишларнинг биринчи сериясидан бешинчи сериясигача қудуқлар диаметрига ва СФМ ҳамда ПМ солиштира сарфлари ўзаро нисбатларига боғлиқ ҳолда, массив мустаҳкамлигининг кучсизланиш зонаси радиуси ўзгариши аниқланди. Портлатиладиган қудуқлар сони 50, 70, 100, 150 ва 200 донани ташкил этди, қудуқ диаметри 105, 125, 150, 200 ва 250 мм чегараларда ўзгарди, СФМ эритмаси ва ПМ солиштира сарфлари ўзаро нисбатлари 0,1; 0,15; 0,2; 0,25; 0,3 ва 0,35 чегараларда ўзгариб турди.

Тажрибавий тадқиқотларнинг олтинчи сериясида СФМ ҳамда ПМ солиштира сарфлари ўзаро нисбатлари ўзгаришига боғлиқ ҳолда, портлатилган тоғ жинсларининг донадорлик таркиби аниқланди. Тажрибаларда СФМ ҳамда ПМ солиштира сарфлари ўзаро нисбатлари 0,1; 0,15; 0,2; 0,25; 0,3 ва 0,35 қабул қилинди. Тажрибавий тадқиқотларнинг ҳар бир сериясидан сўнг портлатилган тоғ жинсларининг донадорлик таркиби аниқланди. Тажрибалар ўртача, қийин ва жуда қийин портлатиладиган жинсларида ўтказилди.

СФМ эритмасидан фойдаланиш билан ПМ қудуқли зарядларини портлатишда кон массиви мустаҳкамлигининг кучсизланиш зонаси радиусини аниқлаш учун массив ҳолатини кернли усул билан ва тоғ жинсларининг сув ютувчанлиги усули билан тадқиқ қилишга асосланган комплекс усул ишлаб чиқилди.

Кернли усулда бузилган ва бузилмаган массивларда бурғиланган кернларда тоғ жинсларининг чўзилишга мустаҳкамлиги аниқланди. ПМ портлатиладиган қудуқли зарядларнинг миқдорига боғлиқ ҳолда, турли масофаларда кон массиви мустаҳкамлигининг кучсизланишини баҳолаш учун портлатишгача ва портлатишдан сўнг холи бўлган юзада ҳар 3 м. да массив чуқурлигига 20 м бурғиланган еттита қудуқдан кернли намуналар олинди.

Кернларни бурғилаш қазиш жойини сув ва тупроқли эритмада ювиш билан 93 мм диаметрли УРБ-2А ўзюорар бурғилаш қурилмаси билан амалга оширилди. Арматураланган пластинкали ва ВК-15 қаттиқ қотишма штирли бурғилаш коронкаси қўлланилди.

$\pm 0,0$; $-5,0$; $-10,0$; $-15,0$; $-20,0$ м белгилардан намуналарни тайёрлаш учун яроқли бўлган кернли намуналар танлаб олинди; маълум бўлган усуллар бўйича намуналар тайёрланди. Тоғ жинсларининг мустаҳкамлик хоссалари аниқланди. Портлатишгача ва портлатишдан сўнг намуналар мустаҳкамлигининг фарқлари бўйича поғонанинг холи бўлган юзасидан турли масофаларда кон массивининг кучсизланиш катталиги (микдори) ҳақида баҳо берилди.

Тоғ жинсларининг сув ютувчанлик усулидан фойдаланиш билан массивнинг кучсизланиш зонаси радиусини аниқлашнинг экспресс-усули ишлаб чиқилди. Бунинг учун 93 мм диаметрли ва 20м чуқурликдаги кернни бурғилаш қудуғидан фойдаланилди. Портлатиш жойидан турли масофаларда жойлашган қудуқларга сув қуйилди ва сув сатҳининг пасайиш тезлиги бўйича портлатишгача ва ундан сўнг массивнинг кучсизланиш зонаси ўлчамлари аниқланди.

Саноат ўлчовлари натижасида турли тоғ жинсларида портлатилган зарядлар сонидан массив мустаҳкамлигининг кучсизланиш зонаси радиуси ва диаметри ўзгариши аниқланди.

Тадқиқотларда маълум бўлдики, портлатиладиган зарядлар сонининг 50 дан 200 гача ортишида барча текширилган тоғ жинсларида массив мустаҳкамлигининг кучсизланиш зонаси радиуси чизиқли боғлиқлик бўйича ошади. 200 мм диаметрли 150та қудуқни бир вақтда портлатишда ўртача, қийин ва ўта қийин портлатилинадиган тоғ жинсларида мустаҳкамликнинг кучсизланиш зонаси радиуси, мос равишда, 13, 12 ва 11 м. ни, зарядлар сони 200та бўлганда эса 13,5, 12,5 ва 11,5 м. ни ташкил этади.

ПМ қудуқли зарядлари диаметрига боғлиқ ҳолда, кон массиви мустаҳкамлигининг кучсизланиш зонаси радиуси ўзгариши тадқиқ қилинди. Тадқиқотларда аниқландики, қудуқли зарядлар диаметри 105 дан 250 мм гача ошганда, массив мустаҳкамлигининг кучсизланиш зонаси радиуси барча текширилган тоғ жинсларида чизиқли боғлиқлик бўйича ошади. Ўртача, қийин ва ўта қийин портлатилинадиган жинсларда, қудуқлар диаметри 200 мм бўлганда, мустаҳкамликнинг кучсизланиш зонаси радиуси мос равишда, 13,5, 12,6 ва 11,7 м. ни, диаметр 250 мм – бўлганда эса 16,4, 15,2 и 14,5 м. ни ташкил этади.

Саноат ўлчовлари натижасида СФМ ҳамда ПМ солиштирма сарфлари ўзаро нисбатлари ўзгаришига боғлиқ ҳолда, қудуқли зарядларни портлатиш билан массив мустаҳкамлигининг кучсизланиш зонасида портлатилган тоғ жинслари ўлчами ўзгариши аниқланди. Аниқланишича, ўртача портлатиладиган жинсларда СФМ ҳамда ПМ солиштирма сарфлари ўзаро нисбатлари 0,1 дан 0,15 гача ортишида портлатилган тоғ жинсларининг ўртача ўлчами, мос равишда, 0,2 ва 0,15 м. ни ташкил этади. СФМ ҳамда ПМ

солиштирма сарфлари ўзаро нисбатларининг кейинчалик ошиши (0,2 ва ундан ортиқ) портлатилган тоғ жинсларининг ўртача ўлчами ошиши билан кечади ва 0,15 м. ортиқликни ташкил этади.

Қийин портлатиладиган тоғ жинсларда СФМ ҳамда ПМ солиштирма сарфлари ўзаро нисбатлари 0,1 дан 0,2 гача ортишида портлатилган тоғ жинсларининг ўртача ўлчами, мос равишда, 0,4 ва 0,22 м. ни ташкил этади. СФМ ҳамда ПМ солиштирма сарфлари ўзаро нисбатларининг кейинчалик ошиши (0,22 ва ундан ортиқ) портлатилган тоғ жинсларининг ўртача ўлчами ошиши билан кечади ва 0,21 м. ортиқликни ташкил этади.

Ўта қийин портлатиладиган тоғ жинсларда СФМ ҳамда ПМ солиштирма сарфлари ўзаро нисбатлари 0,15 дан 0,25 гача ортишида портлатилган тоғ жинсларининг ўртача ўлчами, мос равишда, 0,5 ва 0,3 м. ни ташкил этади. СФМ ҳамда ПМ солиштирма сарфлари ўзаро нисбатларининг кейинчалик ошиши (0,25 ва ундан ортиқ) портлатилган тоғ жинсларининг ўртача ўлчами ошиши билан кечади ва 0,3 м. ортиқликни ташкил этади.

Саноат ўлчовларида олинган натижаларнинг умумлаштирилган статистик таҳлили шуни кўрсатдики, СФМ эритмасидан фойдаланиб, қудуқли зарядларни портлатиш билан ҳосил қилинадиган кон массаси чуқурлигида мустаҳкамликнинг кучсизланиш зонаси радиуси портлатиладиган қудуқли зарядлар сонига, уларнинг диаметрига, СФМ эритмаси ва ПМ солиштирма сарфларининг ўзаро нисбатига, шунингдек, тоғ жинсларининг портловчанлик тоифасига боғлиқ бўлиб, қуйидаги кўринишдаги эмпирик тенглама билан тавсифланади:

$$R_{\text{кучс}} = 5,7k \frac{q_{\text{сфм}}}{q_{\text{пм}}} \left(1 - \frac{142,85(1 - \sigma'_p / \sigma_p)}{n + 60} \right) \cdot \bar{r}_z, \quad (2)$$

бунда k – тоғ жинсларининг портловчанлик коэффициентини.

Ушбу тенгламанинг таққосланиш (боғланиш) коэффициенти $r^2 = 0,77 \pm 0,085$ ташкил этади.


Диссертациянинг «**Массив мустаҳкамлигининг кучсизланиш зонасида СФМ эритмасидан фойдаланиш билан БПИ усуллари ва параметрларининг ишлаб чиқиш ва саноат тажриба-синовдан ўтказиш**» деб номланган бешинчи бобида СФМ эритмасидан иборат ораликлар билан қудуқли заряд конструкцияси ишлаб чиқилган, массивнинг кучсизланиш зонасида СФМ эритмаси билан қудуқли зарядлар ёрдамида портлатиш ишларини олиб бориш усуллари ишлаб чиқилган, СФМ эритмасидан фойдаланиш билан қудуқли зарядларнинг самарали ўлчамлари аниқланди, БПИнинг ишлаб чиқилган усуллари ва ўлчамлари самарадорлиги саноатли текширилди, шунингдек, тоғ жинслари массивининг кучсизланиш зонасида БПИнинг ишлаб чиқилган усуллари ва ўлчамларининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш амалга оширилди.

Массив чуқурлигида мустаҳкамликнинг кучсизланиш зонаси ҳосил бўлиши ҳисобига портлатиш ишлари самарадорлигини ошишини таъминловчи, ПМ солиштирма сарфини ва бурғилашга харажатларни

камайтириш имконини берадиган ПМ қудуқли зарядининг конструкцияси ишлаб чиқилди.

Ораликларида тўлдиргич жойлашган секцияларга ажратилган қудуққа ПМ заряди жойлаштирилади. ПМ заряди секцияси ҳажми тўлдиргич билан тўлғазилган оралик ҳажмидан тўрт марта катта, узунлиги қудуқнинг икки диаметридан кўп бўлмаган узунликни ташкил этади, бунда тўлдиргич сифатида капсулага жойлаштирилган пахтали соапстокдан фойдаланилади.

Қудуққа жойлаштирилган ПМ заряди конструкцияси расмда келтирилган.



- 1 – қудуқ;
- 2 – саноатли ПМ заряди секциялари;
- 3 – СФМ эритмаларидан тайёрланган оралик;
- 4 – жанговор патрон;
- 5 – тиқин

Расм. СФМ эритмасидан ораликли ПМ қудуқли заряди тузилиши

Ораликлар (3) билан секцияларга (2) ажратилган қудуққа (1) саноатли ПМдан заряд жойлашган. Бунда ПМ заряди секцияси ҳажми оралик (3) ҳажмидан тўрт марта катта. Ораликларда (3) СФМ тўлдиргичи жойлашган, тўлдиргич сифатида капсулага жойлаштирилган пахтали соапстокдан фойдаланилади.

Пахтали соапсток – ўсимлик мойини ишқорли тозалаш (оқлаш) натижасида ҳосил бўлган қолдиқ (чиқинди).

Бунда тўлдиргич билан тўлғазилган оралик (3) узунлиги қудуқнинг икки диаметридан ортиқ бўлмаган узунликни ташкил этади. Қудуқнинг қазиш жойида жанговор патрон (4), оғзида – тиқин (5) ўрнатилган.

Зарядни шакллантириш маълум бўлган усулда амалга оширилади, аввал жанговор патрон ўрнатилади, сўнгра ПМ заряди ва тўлдиргич галма-галдан алмаштирилади, қудуқ оғзига тиқинлаш материали тўкилади.

Заряд шаклландан сўнг жанговар патронни (4) портлатиш амалга оширилади. Заряднинг пастки секцияси портлашидан детонацияси пахтали соапсток тўлдирилган оралик (3) орқали ўтади, секинлашади, бунда соапсток парчаланиш зонаси чегаралари ташқарисида тоғ жинсларининг кучсизланиш зонаси ҳосил бўлишини таъминлаб, кон массиви чуқурлигига тарқалади, сўнгра кейинги секция детонацияланади, шундай қилиб қудуқ оғзигача.

ПМ секцияси ҳажмининг кўрсатилган ўлчамлари ва тўлдиргич билан тўлғазилган ораликлар детонациянинг массивга жуда самарали таъсирини таъминлайди, бу тажрибавий портлатишларда тасдиқланган.

Шундай қилиб, қудуқли заряднинг ишлаб чиқилган конструкцияси массив кучсизланишини таъминлайди, бу кейинги портлатишларда қудуқ тўри (сеткасини) ошириш имконини беради, бунда бурғилаш ҳажми қисқаради ва ПМ солиштирма сарфи камаяди.

Кон массиви мустақамлигининг кучсизланиши таъсиридан фойдаланиш билан БПИни амалга ошириш усули ишлаб чиқилди.

Ушбу усулга мувофиқ, портлатиладиган блок қазиб олиш кенглиги бўйича иккита қисмга бўлинади. Биринчиси (катта қисми), поғонанинг холи бўлган юзасидан бошланиб, СФМ эритмасидан иборат ораликлар билан қудуқли заряднинг ишлаб чиқилган конструкциясидан фойдаланиб, шу карьер БПИ лойиҳасига мувофиқ бурғиланади. Иккинчи қисм (қудуқларнинг охири катори) оширилган тўр (сетка) бўйича бурғиланади, қудуқли заряд конструкцияси – ушбу карьер лойиҳаси бўйича колонкали, бу катор учун портлатишни секинлатиш вақти 10-15 мс.га ортади.

Қаторда қудуқлар ўртасидаги масофа қуйидаги формулалар бўйича аниқланади:

– ўртача портлатилинадиган тоғ жинслари учун:

$$a_{\text{кучс}} = 223,6 \frac{q_{\text{сфм}}}{q_{\text{пм}}} \left(1 - \frac{142,85(1 - \delta'_p / \delta_p)}{n + 60} \right) \cdot \Gamma_z, \text{ м}; \quad (3)$$

– қийин портлатилинадиган тоғ жинслари учун:

$$a_{\text{кучс}} = 301 \frac{q_{\text{сфм}}}{q_{\text{пм}}} \left(1 - \frac{142,85(1 - \delta'_p / \delta_p)}{n + 60} \right) \cdot \Gamma_z, \text{ м}; \quad (4)$$

– ўта қийин портлатилинадиган тоғ жинслари учун:

$$a_{\text{кучс}} = 387 \frac{q_{\text{сфм}}}{q_{\text{пм}}} \left(1 - \frac{142,85(1 - \delta'_p / \delta_p)}{n + 60} \right) \cdot \Gamma_z, \text{ м}. \quad (5)$$

Кудуқлар қатори ўртасидаги масофа қуйидаги формулалар бўйича аниқланади:

– ўртача портлатилинадиган тоғ жинслари учун:

$$b_{\text{куч}} = 251,6 \frac{q_{\text{сфм}}}{q_{\text{пм}}} \left(1 - \frac{142,85(1 - \delta'_p / \delta_p)}{n + 60} \right) \cdot \bar{r}_3, \text{ м}; \quad (6)$$

– қийин портлатилинадиган тоғ жинслари учун:

$$b_{\text{куч}} = 331,1 \frac{q_{\text{сфм}}}{q_{\text{пм}}} \left(1 - \frac{142,85(1 - \delta'_p / \delta_p)}{n + 60} \right) \cdot \bar{r}_3, \text{ м}. \quad (7)$$

– ўта қийин портлатилинадиган тоғ жинслари учун:

$$b_{\text{куч}} = 419,3 \frac{q_{\text{сфм}}}{q_{\text{пм}}} \left(1 - \frac{142,85(1 - \delta'_p / \delta_p)}{n + 60} \right) \cdot \bar{r}_3, \text{ м}. \quad (8)$$

Кон массиви мустаҳкамлигининг кучсизланиш таъсиридан фойдаланиш билан БПИни амалга оширишнинг ишлаб чиқилган усули «Гранит» АЖ карьеридида жорий этилган. Натижада ёндош жинсларнинг мустаҳкамлик хусусиятларини камайишини таъминлаш ҳисобига қудуқлар ўртасидаги ва қудуқлар қатори ўртасидаги масофа 20% ошди, ПМ солиштирма сарфи ва бурғилашга харажатлар 10-15% камайди, тоғ жинслари массивини портлатиб парчалаш самарадорлиги ошди.

ХУЛОСА

«Тоғ жинсларини мустаҳкамлик характеристикасини олдиндан камайтириб уларни портлатиб майдалаш самарадорлигини ошириш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Қояли тоғ жинсларида газодинамика қонунларини ва цилиндрли заряд портлаши таъсирини ўрганиш асосида массив чуқурлигида мустаҳкамликнинг кучсизланишини математик модели таклиф қилинган. Цилиндрли зарядлар портлаганида зарбли тўлқин ва кучланиш тўлқини, шунингдек, поғонанинг холи бўлган юзасидан кучланишнинг қайтган тўлқини таъсири остида кон массиви чуқурлигида тоғ жинслари мустаҳкамлигининг кучсизланиш зонаси ҳосил бўлиши билан изоҳланади.

2. Эластиклик (таранглик) назарияси қонунларидан фойдаланиш асосида унинг радиуси СФМ эритмаси ва саноат ПМ солиштирма сарфларининг ўзаро нисбатига, ПМ қудуқли зарядлари сонига ва радиусига, портлаш шароитига боғлиқ бўлган коэффициентга, акустик қаттиқликка, Пуассон коэффициентига ва портловчанлик бўйича тоғ жинслар тоифасига боғлиқ бўлган кон массаси мустаҳкамлигининг кучсизланиш зонасининг радиусини аниқлаш таклиф қилинган.

3. СФМ эритмасининг ҳар хил турларининг асосий хусусиятларини тадқиқ қилиш асосида уларнинг концентрацияси ўзгаришининг боғлиқлиги аниқланди ва мақбул таркиб танланди, унинг асосида лаборатория

шароитларида СФМ эритмасининг ҳар хил турларидан фойдаланиш билан кимёвий усулда тоғ жинслари мустаҳкамлигининг кучсизланишини тадқиқ қилиш услуби таклиф қилинган.

4. Масса намлиги ва тўйинтириш вақтига боғлиқ ҳолда, тоғ жинсларини СФМ эритмасининг ҳар хил турлари билан тўйинтиришда тоғ жинслари мустаҳкамлигининг кучсизланишини ўзгариши аниқланди, натижада тоғ жинслари мустаҳкамлигининг кучсизланиши учун энг самарали ва иқтисодий мақбул бўлган СФМ – соапсток танланган.

5. Кон массиви мустаҳкамлигининг кучсизланиш зонаси унинг радиуси билан аниқланади, у саноат ПМ ва СФМ эритмалари солиштира сарфлари нисбатининг ўзгаришига, бир вақтда портлатиладиган қудуқли зарядлар сонига, уларнинг диаметрига ва портловчанлик бўйича тоғ жинслари тоифасига боғлиқ, унинг асосида СФМ эритмасидан фойдаланиш билан ПМ қудуқли зарядларни портлатиб ҳосил қилинадиган массив мустаҳкамлигининг кучсизланиш зонаси радиусини аниқлашнинг комплекс услуби тавсия этилди.

6. СФМ эритмасидан фойдаланиш билан ПМ қудуқли зарядларни портлатишда кон массиви мустаҳкамлигининг кучсизланиш зонасида портлатилган кон массасининг ўртача ўлчами саноат ПМ ва СФМ эритмалари солиштира сарфларининг ўзаро нисбати ўзгаришига, заряд диаметрига ва портловчанлик бўйича тоғ жинслари тоифаларига боғлиқлиги билан изоҳланади.

7. Тадқиқотда СФМ эритмасидан фойдаланиш билан ПМ қудуқли зарядларининг критик сони аниқланди, қайсики портлатилганда массив мустаҳкамлигининг кучсизланиш зонасидан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Ўртача портлатилинадиган тоғ жинслар учун зарядларнинг критик сони 50 та, қийин портлатилинадиганларда – 70 та, ўта қийин портлатилинадиган тоғ жинсларида эса – 100 та қудуқни ташкил этади.

8. Оралиқларида тўлдиргич жойлаштирилган, секцияларга ажратилган ПМ зарядини ўз ичига олган қудуқли заряд конструкцияси ишлаб чиқилди ва тажрибада синаб кўрилди, у шуниси билан фарқлики, бунда ПМ заряди секцияси ҳажми тўлдиргич билан тўлғазилган оралиқ ҳажмидан тўрт марта катта, узунлиги қудуқнинг икки диаметридан ортиқни ташкил этади, бунда тўлдиргич сифатида капсулага жойлаштирилган СФМ – пахтали соапстокдан фойдаланилади.

9. Портлатиш ишларини амалга ошириш усули ишлаб чиқилган ва тажрибада текширилган ҳамда портлатиш ишлари самарадорлиги ошишини, ПМ солиштира сарфи ва бурғилашга харажатлар камайишини таъминловчи СФМ эритмасидан фойдаланиш билан ПМ қудуқли зарядларини портлатиб ҳосил қилинадиган кон массивининг кучсизланиши зонасидаги самарали ўлчамлар билан аниқланади.

10. Кон массиви мустаҳкамлигининг кучсизланиши таъсиридан фойдаланиб БПИни амалга оширишнинг ишлаб чиқилган усули «Гранит» АЖ карьерига тадбиқ этилган. Натижада тоғ жинсларининг мустаҳкамлик хусусиятларини камайишини таъминлаш ҳисобига қудуқлар ўртасидаги ва

қудуқлар қатори ўртасидаги масофа 20% га ошади, ПМ солиштирма сарфи ва бурғиладиган харажатлар 10-15% га камаяди ва тоғ жинслари массивини портлатиб парчалаш самарадорлиги ошади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.17/30.12.2019.Т.06.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАВОЙСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ГОРНОМ ИНСТИТУТЕ**

НАВОЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНЫЙ ИНСТИТУТ

ТОШЕВ ОЙБЕК ЭЛМУРОВОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ВЗРЫВНОГО РЫХЛЕНИЯ
ГОРНЫХ ПОРОД С ПРЕДВАРИТЕЛЬНЫМ СНИЖЕНИЕМ ИХ
ПРОЧНОСТНЫХ ХАРАКТЕРИСТИК**

04.00.10 – Геотехнология (открытая, подземная и строительная)

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD)**

Навои – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.1.PhD/T987.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном горном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.ndki.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Норов Юнус Джумаевич**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Умаров Фарходбек Яркулович**
доктор технических наук, доцент

Махмудов Дилмурод Рахматжонович
доктор философии (PhD) по техническим наукам

Ведущая организация: **АО «Алмалыкский горно-металлургический комбинат»**

Защита диссертации состоится 25 августа 2020 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.17/30.12.2019.T.06.01 (Адрес: 210100, г. Навои, ул. Галаба шох, 127. Зал заседаний Навоийского государственного горного института. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Навоийского государственного горного института (зарегистрирован за №8). Адрес: 210100, г. Навои, ул. Галаба шох, 127. Здание ректората НГГИ, 1-й этаж. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-00-55.

Автореферат диссертации разослан 12 августа 2020 года.

(реестр протокола рассылки №19 от 12 августа 2020 года).



 **К.С.Санакулов**

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

 **Ш.Ш.Заиров**

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

 **И.Т.Мислибаев**

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире одним из наиболее перспективных направлений совершенствования процесса разрушения горных пород является управление их свойствами и состоянием. В результате многоциклических взрывных нагрузок возникают зоны ослабления прочности горного массива. Ослабление прочности горных пород до настоящего времени рассматривалось как вредное явление, снижающее устойчивость уступов, качество дробления горной массы, производительность буровых станков и увеличивающее объем заряжаемых скважин.

На сегодняшний день во всем мире исследуется процесс ослабления прочности горных пород при воздействии взрыва с целью повышения дробимости и улучшения технологических характеристик при их обогащении. При этом для достижения положительного эффекта в значительной мере повышается энергонасыщенность взрываемого массива путем увеличения удельного расхода взрывчатых веществ (ВВ). Для управления свойствами и состоянием массива горных пород применяют поверхностно-активные вещества (ПАВ), действие которых основано на сорбционном понижении поверхностной энергии тел.

В Республике выполнен ряд научно-практических работ по повышению эффективности использования взрывных технологий на карьерах, разработке рекомендаций по применению рациональных параметров взрывания, разработке способов увеличения коэффициента полезного действия энергии ВВ при массовых взрывах, изучению процесса разрушения горного массива, исследованию влияния горно-технологических характеристик на эффективность ведения буровзрывных работ (БВР), исследованию эффекта ослабления прочности горных пород под действием циклических нагрузок. В Постановлении Президента Республики Узбекистан¹ определены важные задачи по «стимулированию научно-исследовательской и инновационной деятельности, созданию эффективных механизмов внедрения инновационных достижений в практику, широкому внедрению в производство энерго- и ресурсосберегающих технологий...». В связи с этим важно выполнять задачи по разработке ресурсосберегающей технологии ведения БВР с использованием зон ослабления прочности массива горных пород.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-4707 от 4 марта 2015 г. «О программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства в 2015-2019 гг.» и Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4124 от 17 января

¹ Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4124 от 17 января 2019 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности предприятий горно-металлургической отрасли»

2019 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности предприятий горно-металлургической отрасли», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики: VII. «Науки о земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

Степень изученности проблемы. Большой вклад в развитие теории разрушения и деформирования горных пород взрывом внесли Мельников Н.В., Ржевский В.В., Шемякин Е.И., Александров В.Е., Баранов Е.Г., Барон Л.И., Боровиков В.А., Винницкий К.Е., Власов О.Е., Вовк А.А., Демидюк Г.П., Друкованый М.Ф., Ефремов Э.И., Кусов Н.Ф., Кутузов Б.Н., Кучерявый Ф.И., Кузнецов Г.В., Комир В.М., Марченко Л.Н., Миндели Э.О., Миронов П.С., Покровский Г.И., Рахимов В.Р., Родионов В.Н., Суханов А.Ф., Тарасенко В.П., Турута Н.У., Ханукаев А.Н., Шеметов П.А., Atchison T.C., Ahmed R., Bernard T., Brawner C.O., Donzé F.V., Duvall W.I., Maerz N.H., Munjiza A., Pears O.E., Peter B., Potyondy D.O., Rolf S. Paine, Rossmannith H.P., Rustan A., Selberg H.L. и др.

Известен эффект ослабления прочности горных пород под действием циклических нагрузок. В механике это явление называется усталостью горных пород. Большой вклад в его изучение внесли Барон Л.И., Миндели Э.О., Мирзаев Г.Г., Можаяев Л.В., Протодьяконов М.М., Мохначев М.П., Шрейнер Л.А., Присташ В.В. и др. Усталость горных пород исследовалась, в основном, на образцах в лабораторных условиях при различном режиме циклического нагружения.

В работах Латышева О.Г., Овчаренко Ф.Д., Осипова И.С., Сынбулатова В.В. и др. исследовались закономерности разрушения горного массива в условиях направленного изменения их свойств и состояния взрывом и растворами ПАВ. Для прогнозирования эффективности использовался раствор ПАВ, как средство профилактики горных ударов.

В работах Воронкова Г.Я., Кусова Н.Ф., Марцинкевича Г.И., Шоболовой Л.П., Эдельштена О.А. и др. исследовалось изменение прочностных свойств вмещающих пород угольной формации под действием растворов ПАВ, оценена степень влияния различных по составу растворов ПАВ на поведение массива горных пород. Однако, разработанные методические указания по выбору состава растворов ПАВ и исследованию их влияния на ослабление прочности массива горных пород применительны к работе проходческих комбайнов.

В отечественной и зарубежной научной литературе отсутствуют исследования размеров зон ослабления прочности массива при взрыве скважинных зарядов ВВ с использованием раствора ПАВ, радиуса зоны ослабления прочности горных пород в зависимости от соотношения удельных расходов раствора ПАВ и промышленных ВВ. В связи с этим разработана

